

“Тошкент кишлок-хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори” АЖ
акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиш
Б А Ё Н И

2020 йил 27 март
Соат 12-00

Тошкент шаҳри

Ўтказилган жойи: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Тошкент автомобил халқа йўли, жамият маъмурият биноси

Акциядорларнинг 2019 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Бектемир тумани, Тошкент автомобил халқа йўли, жамият маъмурият биносида 2020 йил 27 март куни ўтказилди. Йиғилишда 1137583 овозга эга 8 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 93,14% ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК, “Бозорлар ва савдо комплекслари Департаменти” бошлиғи ўринбосари Ганиев Дилмурод Иркинович қатнашди.

Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Ганиев Д.И. - “Муниципиал активларини бошқариш маркази” ДУК, “Бозорлар ва савдо комплекслари Департаменти” бошлиғи ўринбосари

Камолов Т.К. – Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларини бошқариш маркази” ДУК бош мутахассиси, жамият кузатув кенгаши аъзоси,
Ж.Алматов- Жамият директори

Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар: Я.Ақбарова

Йиғилиш санок ҳайъатига қуйидаги ходимлар сайландилар:

Эшбаева М.Х., Шайдуллаева Г. Асрарова К.

Йиғилишга жамият кузатув кенгаши аъзоси Т.Камолов раислик қилди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Жамиятнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.

2. Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш.

3. Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар, шу жумладан жамиятнинг бошқаришига доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосалари.

4. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш

5. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойдасини тақсимлаш.

6. Жамиятнинг 2020 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш.

7. Жамият директорининг меҳнат шартномасини узайтириш ҳақида.

8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.

9. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.

10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

11. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.

12. Жамиятнинг “Умумий йиғилиши ҳақида”ги Низомига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш.

13. Жамиятнинг “Кузатув кенгаши ҳақида”ги Низомига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш.

14. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга

Йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқланди:

1. Биринчи масала юзасидан- 10 мин	9. Туккизинчи масала юзасидан- 3 мин
2. Иккинчи масала юзасидан- 10 мин	10. Ҷинчи масала юзасидан- 3 мин
3. Учинчи масала юзасидан- 3 мин	11. Ҷн биринчи масала юзасидан- 3 мин
4. Туртинчи масала юзасидан- 5 мин	12. Ҷн иккинчи масала юзасидан- 5 мин
5. Бешинчи масала юзасидан- 5 мин	13. Ҷн учинчи масала юзасидан- 3 мин
6. Олтинчи масала юзасидан- 10 мин	14. Ҷн учинчи масала юзасидан- 3 мин
7. Еттинчи масала юзасидан- 5 мин	15. Ҷн учинчи масала юзасидан- 3 мин
8. Саккизинчи масала юзасидан-3 мин	

Сўзга чикувчиларга 3-5 минутгача.

Йиғилиш кун тартибидаги **биринчи** масала бўйича жамият директори Ж.Алматовнинг ҳисоботи тингланди. Жамият раҳбари ўз ҳисоботида 2019 йил якуни бўйича амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва мавжуд камчиликлар, 2019 йилга режалаштирилган ишлар ҳақида ҳисобот берди, жумладан жамият томонидан, 2019 йил якуни бўйича «Бизнес режага» мувофиқ тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасидаги 6.421.500,0 минг сўм жами даромад режасини 6.808.938,7 минг сўмга ёки 387.438,7 минг сумга ошириб бажарилгани, жумладан, даромад манбалари бўйича: хизмат ҳақи режаси 2182000,0 минг.сўм бўлган ҳолда, амалда 2815430,1 минг.сўм этиб ёки 633430,1 минг сўмга ошириб бажарилгани, ижара ҳақи режаси 5.655.000,0 минг. сўм бўлган ҳолда, амалда 5.722.259,5 минг. сўм этиб ёки 67.259,5 минг сумга ошириб бажарилгани ва бошқалар ҳақида ҳисобот берди.

Мажбурий харажатлар ўз аксини қуйидагича топди, яъни жами даромад режага нисбатан ошгани сабабли, даромадга боғлиқ мажбурий ажратмалар ҳам режага нисбатан кўп ажратилгани, жумладан давлат бюджетига 50% ажратма режадаги 6421500,0 минг сўм ўрнига, амалда 6808938,7 минг сўм ёки 387191,3 минг сўмга кўп ажратилгани ва бошқалар ҳақида маълум қилди.

Жорий харажатлардан, ойлик маоши, сув ва канализация, электр қуввати ва бошқа қилинган харажатлар ҳақида тушунтириш бериб, жамиятда 2019 йилда Соф фойда режаси 523200,0 минг сўм ўрнига амалга 579260,6 минг сўм этиб бажарилганлигини билдирди.

Жамият раҳбарига айрим саволлар бўлди ва тегишли жавоболинганидан сўнг раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича “Audit-rumans” МЧЖ томонидан миллий стандартларга кўра ўтказилган аудиторлик текширувлари натижалари билан таништириш учун сўз ушбу аудиторлик вакилига берилди. Аудитор вакили сўзга чиқиб, жамиятда аудиторлик текшируви натижасига кўра, жамият молиявий ва хўжалик фаолияти, ҳамда бухгалтерия ҳисоботлари Ўзбекистон Республикасидаги қонунчилигига мувофиқ келиши ҳақида ҳисобот берди ва 2020 йил 10 февралда ижобий хулоса берилгани ҳақида маълумот берди.

Акциядорлар томонидан аудиторлик текширувида қандай камчиликлар аниқланганлиги, уларни бартараф этилиши бўйича саволлар бўлди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича жамиятнинг тафтиш комиссияси хулосасини жамият муҳосиб А.Каримов ўқиб эшиттирди ва ушбу хулосада жамият тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилган тафтишга ҳамда жамият ташқи аудиторлари ижобий аудиторлик хулосасига асосланиб:

- Адлия вазирлиги томонидан 17.12.1998 йилда 565-сон билан рўйхатга олинган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қондалари», пул маблағларини ҳисобга олишни тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилинганлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.11.1999 йилги «Меҳнат ҳақи

ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларини жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини бузиш ҳоллари аниқланмаганлиги;

- Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг 21.12.2004 йилги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни талаблари бажарилмоқда. Жамиятда асосий иш жой Жамият ҳисобида ишловчиларнинг барчасига Халқ банки бўлимида пенсия дафтарчалари очилиб, Халқ банкига ҳар ойда маблағлар ўтказиб келинаётганлиги;

-Тафтиш комиссия аъзолари аудитор текшируви хулосаларига таяниб, жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолиятининг даромадлар ва харажатлар ҳисоботи ва балансидаги маълумотларининг ҳаққонийлиги тасдиқланганлигини;

- 2019 йил давомида аффилиланган шахслар билан йирик битимлар тузилмаганлигини ҳақида маълум қилди (*тафтиш хайъатининг хулосаси илова қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси А.Каримов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2019 йил якуний баланси бўйича ахборот берди.

Жумладан,

Бухгалтерия баланси (минг.сўмда)

АКТИВ		ПАССИВ	
Асосий воситалар	33787926,6	Устав капитали	1806575,3
Узок муддатли инвестициялар	24139,4	Резерв капитали	953252,9
Қимматли қоғозлар	24139,4		
Келгуси давр харажатлар	3695,4	Таксимланмаган соф фойда	537743,2
Кечиктирилган харажатлар	55284,4	Мақсадли тушумлар	691989,5
Дебиторлар	498736,4	Жорий мажбуриятлар	32274117,3
Пул маблағлари	1893896,0		
ЖАМИ	36263678,2	ЖАМИ	36263678,2
		СОФ ФОЙДА	579260,6

Раислик қилувчи кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **бешинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси А.Каримов сўзга чиқиб, жамиятда 2019 йил якунлари бўйича олинган 579260,6 минг сўм олинганлиги, шундан 41.517,4 минг сўмини аввалги йилларда кўрилган зарарни қоплашга йўналтириш, тақсимлаш учун қолган 537.743,2 минг сўмдан 5% қисмини яъни, 26.887.160 сўмни жамиятнинг захира жамғармасига ва қолган 95% қисмини яъни 510.856.040 сўмни акциядорларга дивиденд сифатида ажратиш таклифини киритди. Шунингдек, А.Каримов жамиятда 2014 йилда ва 2020 йилда Тошкент шаҳар ҳокимининг тегишли қарор фармойишлари билан бўнак тарикасида ўтказиб берилган дивиденд маблағлари ҳисобига жамиятда ҳокимлик улушига ортиқча ўтказилган маблағлар жамиятнинг 2020 йил давомида оладиган соф фойдаси ҳисобидан қопланишини таклиф этди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича жамият директори ЖАлматов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2020 йилга режалаштирилган “Бизнес-режаси” ҳамда “2020 йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди. Жумладан, бизнес-режасидаги 2020 йилга режалаштирилган ишлар, даромад олиш манбаалари, соф фойда режаси йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама этилди. (*“Бизнес-режа” ва “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” тўлалигича илова қилинади*). Жамият директори ушбу бизнес режа кўрсаткичлари коронавирус туфайли эълон қилинган карантин сабабли, бозор ҳудудида тадбиркорларнинг келиши кескин камайганлиги, солиқлар тўланиши давом этиб турганлиги, шу сабабли, ушбу смета режаларида ўзгаришлар бўлиш эҳтимоли юқорилигини билдирди.

Маърузачининг берилган саволларига олинган жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **еттинчи** масала бўйича раислик қилувчи сўзга чиқиб, жамият директори Ж.Алматов томонидан ўтган даврда бажарилган ишлар ва жамиятда эришилган ютуқлар, тозалик, хавфсизлик, жамият даромадларини оширилиши ва бошқалар инobatга олиниб, унинг меҳнат шартномасини акциядорларнинг 2020 йил якуни бўйича умумий йиғилишига қадар узайтирилиши мақсадга мувофиқ деб топилганлигини билдирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **саккизинчи** масалага ўтиб, 2020 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **тўққизинчи** масалага ўтиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи сўзга чиқиб, кун тартибидаги **ўнинчи** масала юзасидан Я.Акбаровага сўз берди. Жамиятда Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш “Ftf-Lea Audit” МЧЖ томонидан ўтказилганлигини, “Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш натижаларига кўра жамият -123 балл йиғиб, унга “паст” баҳо берилганлигини, фоиз жиҳатидаги якуний баҳоси -10 % ташкил этганини айтиб ўтди ва йиғилиш қатнашчиларини хулоса билан таништирди (*жамиятни Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш бўйича хулосаси ва ҳисобот илова қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн биринчи** масала бўйича раислик қилувчи сўзга чиқиб, жамиятнинг ташкилий тузилмасига киритилаётган ўзгартиришлар билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди ва йиғилиш қатнашчиларидан фикр билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн биринчи, ўн иккинчи ва ўн учинчи** масалалар юзасидан Я.Акбарова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 январдаги ЎРҚ-603-сонли Қонунига мувофиқ “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонуни”нинг 84 ва 88-моддаларига ўзгартиришлар киритилганини, яъни жамиятда афилланган шахслар билан битим тузилса ёки йирик битим тузилса мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан ушбу битимларнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилиниши кўрсатилганлиги сабабли, жамият Устави янги таҳрирда тайёрлангани, жамиятнинг “Умумий йиғилиши ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритилаётганлиги ва жамиятнинг “Кузатув кенгаши ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритилаётганлигини билдириб, ушбу ҳужжатлар лойиҳаси билан кенгаш аъзоларини таништирди.

Кун тартибидаги **ўн тўртинчи** масала юзасидан жамият муҳосиби А.Каримов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531 -сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича танлов эълон қилинганлигини ва шунга асосан қуйидаги ташкилотлардан таклифлар тушганини айтиб ўтди:

1. “BALANS-INFORM-AUDIT” МЧЖ – миллий стандарт асосларида- 10,0 млн сўм;

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санок ҳайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Санок ҳайъати йиғилиш қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништирди.

<p>1-масала Ёклаган-1137583 –100 % Қарши 0 – 0% Бетараф 0-0 %</p>	<p>2-масала Ёклаган-1137583 –100 % Қарши 0 – 0% Бетараф 0-0 %</p>	<p>3-масала Ёклаган-1137583 –100 % Қарши 0 – 0% Бетараф 0-0 %</p>
<p>4-масала Ёклаган-1137583 –100 % Қарши 0 – 0% Бетараф 0-0 %</p>	<p>5-масала Ёклаган-1137583 –100 % Қарши 0 – 0% Бетараф 0-0 %</p>	<p>6-масала Ёклаган-1137583 –100 % Қарши 0 – 0% Бетараф 0-0 %</p>
<p>7 масала Ёклаган-1137583 –100 % Қарши 0 – 0% Бетараф 0-0 %</p>	<p>9-масала Ёклаган-1137583 –100 % Қарши 0 – 0% Бетараф 0-0 %</p>	<p>10-масала Ёклаган-1137583 –100 % Қарши 0 – 0% Бетараф 0-0 %</p>
<p>8-масала</p> <p>8.1. Ирматов Мурад Абдукаххарович 1137583 та овоз 8.2. Исроилов Абдулазиз Абдусаттарович 1137583 та овоз 8.3. Акбарходжаев Лазизхон Турапович 1137583 та овоз 8.4. Абдурахмонов Музаффар Мирзарахимович 1137583 та овоз 8.5. Камолов Толмас Каримович 1137583 та овоз</p>		<p>11-масала Ёклаган-1137583 –100 %, Қарши 0 – 0%, Бетараф 0-0 %</p>
<p>13-масала Ёклаган-1137583 –100 %, Қарши 0 – 0%, Бетараф 0-0 %</p>		<p>12-масала Ёклаган-1137583 –100 %, Қарши 0 – 0%, Бетараф 0-0 %</p>
<p>14-масала Ёклаган-1137583 –100 %, Қарши 0 – 0%, Бетараф 0-0 %</p>		

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Санок ҳайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

Кун тартибидаги барча масалалар атрофлича муҳокама қилиниб

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. “Тошкент қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори” акциядорлик жамияти ижроия органи ҳамда Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин (ёклаган 1137583-100 %, қарши- йўқ, бетараф -йўқ);

2. Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан “Audit Rumans” МЧЖнинг миллий стандартларга кўра ижобий аудиторлик текширувлари хулосалари инobatга олинсин (ёклаган 1137583-100 %, қарши- йўқ, бетараф -йўқ);

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2019 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосаси инobatга олинсин ва тасдиқлансин (ёклаган 1137583-100 %, қарши- йўқ, бетараф -йўқ);

4. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инobatга олинсин ва тасдиқлансин (ёклаган 1137583-100 %, қарши- йўқ, бетараф -йўқ);

5. Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисобварағи тасдиқлансин.

5.1. Жамиятнинг 2019 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича олинган 579260,6 минг сўмдан 41.517,4 минг сўми аввалги йилларда кўрилган зарарни қоплашга йўналтирилсин. Таксимлаш учун қолган 537.743,2 минг сўмдан 5% қисми яъни, 26.887.160 сўм жамиятнинг захира жамғармасига ва қолган 95% қисми яъни 510.856.040 сўм акциядорларга дивиденд сифатида ажратилсин. Жамиятда 2014 йилда ва 2020 йилда Тошкент шаҳар ҳокимининг тегишли қарор фармойишлари билан бунақ тариқасида ўтказиб берилган дивиденд маблағлари ҳисобига жамиятда ҳокимлик улушига ортикча ўтказилган маблағлар жамиятнинг 2020 йил давомида оладиган соф фойдаси ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилсин (ёклаган 1137583-100 %, қарши- йўқ, бетараф -йўқ);

6. Жамиятнинг 2020 йилга мўлжалланган «Бизнес режаси» ҳамда «Перспектив ва

тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин (ёқлаган 1137583-100 %, қарши- йўқ, бетараф -йўқ);

7. Жамият директори Ж.Алматовнинг меҳнат шартномаси акциядорларнинг 2020 йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган умумий йиғилиши якунига қадар узайтирилсин.

8. Жамият Кузатов Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан куйидагилар сайлансин:

8.1. Ирматов Мурад Абдукаҳхарович 1137583 та овоз

8.2. Исроилов Абдулазиз Абдусаттарович 1137583 та овоз

8.3. Акбарходжаев Лазизхон Акбарович 1137583 та овоз

8.4. Абдурахмонов Музаффар Мирзараҳимович 1137583 та овоз

8.5. Камолов Толмас Каримович 1137583 та овоз

9. Тафтиш комиссиясига Б.Абдуҳаликова, З.Бердиева ва Г.Ибрагимова сайлансин (ёқлаган 1137583-100 %, қарши- йўқ, бетараф -йўқ);

10. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қабул қилинсин ва жамият кузатов кенгаши ҳамда ижроия органига корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини янада яхшилаш чораларини кўриш вазифаси юклатилсин (ёқлаган 1137583-100 %, қарши- йўқ, бетараф -йўқ);

11. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави тасдиқлансин ва ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилсин (ёқлаган 1137583-100 %, қарши- йўқ, бетараф -йўқ);


12. Жамиятнинг “Умумий йиғилиши ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритилсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 1137583-100 %, қарши- йўқ, бетараф -йўқ);

13. Жамиятнинг “Кузатов кенгаши ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритилсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 1137583-100 %, қарши- йўқ, бетараф -йўқ);

14. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб “AUDIT-RUMANS” МЧЖ тасдиқлансин ва аудит кўриги учун хизмат ҳақининг энг кўп миқдори 5,0 млн сўм этиб белгилансин (ёқлаган 1137583-100 %, қарши- йўқ, бетараф -йўқ).

Баённома имзоланган сана: “03” апрел 2020 йил.

Йиғилиш раиси



Т.Камолов

Баённи олиб борди



Я.Акбарова